

**“СУЛОСИЙЁТ АЛ-БУХОРИЙ”**

Аллоҳ субҳонаху ва таолонинг ҳабиби, расули ва набийси Муҳаммад Мустафо руҳий ва руҳу-л-оламина фидоҳу, соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларини тўплашда ҳадисшунос муҳаддислар икки жиҳатга эътибор қаратганлар. Ҳар бир ҳадисни санад (иснод) ва матн қисмларига ажратиб ўрганганлар. Санад (иснод) бу ривоят қилувчиларнинг исмлари кетма-кетлиги – занжир-силсиласи бўлиб, ровийларнинг ишончлилик даражаси билан ҳадиснинг саҳиҳ, заиф ёки мавзӯ (сохта, тўқима) экани ажратилган. Бинобарин, иснод диндандир. Машхур тобеъин Муҳаммад ибн Сирин раҳимаҳуллоҳ: “Сизлар тўплаётган бу нарсалар диндир. Шунинг учун сизлар динингизни кимдан олаётганингиз ҳақида ўйлаб кўринг!”, деганлар. Абдуллоҳ ибн ал-Муборак раҳимаҳуллоҳ эса: “Иснод диннинг бир бўлагидир. Агар иснод бўлмаганда, ким нимани хоҳласа, гапираверарди”, деганлар. Ана шу жиҳатлар эътиборга олиниб, иснодда кам ва жуда ишончли одамлар қатнашган ривоятлар “олий инсодли” деб жуда қадрланган. Лекин, бу хилдаги ўта даражадаги ишончли ҳадисларнинг сони жуда кам. Шунинг учун, уларни алоҳида тўплаш ва ўрганиш муҳим аҳамият касб қилиб келган. Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ: “Олий иснодни талаб қилиш ўтган улуғлардан суннатдир”, деганлар. Муҳаммад ибн Аслам ат-Тусий раҳимаҳуллоҳ эса: “Исноднинг яқин бўлиши Аллоҳга яқин бўлишдир!”, деганлар.

Муҳаддислар султони, ҳадис илмининг амири Имом ал-Бухорий (194-256/810-870) раҳимаҳуллоҳнинг саҳиҳ ҳадислар тўплами бўлмиш “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарларида 7563 (етти минг беш юз олтмиш уч) ҳадис бўлса, шундан атига 22 (йигирма икки) таси уч иснодлидир. Иснодда фақатгина уч нафар ровийнинг номи қатнашган ҳадислар “Сулосийёт” деб аталади. Бу хилдаги “Сулосийёт” Имом ал-Бухорий раҳимаҳуллоҳдан ташқари Имом ад-Доримий раҳимаҳуллоҳ, Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ каби бошқа муҳаддисларда ҳам мавжуд. Имом ал-Бухорий раҳимаҳуллоҳ саҳиҳ ҳадислар тўплами бўлмиш “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарини Аллоҳнинг китоби – Қуръони каримдан кейинги башарият томонидан ёзилган китобларнинг энг тўғриси, энг саҳиҳи ва энг ишончлиси дейилган. Ана шу энг тўғри, энг саҳиҳ ва энг ишончли асардаги энг тўғрироқ, энг саҳиҳроқ, энг ишончлироқ ва энг олий даражадаги ҳадиси шарифлар “Сулосийёт” ҳисобланади. “Сулосийёт ал-Бухорий” асрлар давомида алоҳида ўқитиб-ўрганиб келинган. Манбаларда олимларнинг уни устози олдида ўқиганлиги ҳақида алоҳида қайд қилинган, бунинг учун алоҳида ижозатномалар олинган. Бинобарин, бугун ҳам уларни билиб-ўрганиш ва ҳадис матнидаги ҳукмларга амал қилиш муҳим аҳамият касб қилади.

Имом ал-Бухорий раҳимахуллоҳ ушбу “Сулосийёт” ҳадисларни уч нафар саҳобадан ривоят қилганлар. Уларнинг биринчиси, Салама ибн ал-Акваб разийаллоҳу анҳу бўлиб, ундан 10 (ўн) та ҳадис ривоят қилинган. Иккинчилари, Анас ибн Молик разийаллоҳу анҳу бўлиб, ундан 4 (тўрт) та ҳадис ривоят қилинган. Учинчилари, Абдуллоҳ ибн Буср разийаллоҳу анҳу бўлиб, ундан 1 (бир) та ҳадис ривоят қилинган.

Ушбу саҳобалардан тўрт нафар тобеъин шогирдлари нақл қилганлар. Улардан биринчиси, Язид ибн Абу Убайд раҳимахуллоҳ бўлиб, 17 (ўн етти) та ҳадис ривоят қилинган. Иккинчилари, Ҳумайд ат-Тавийл раҳимахуллоҳ бўлиб, унинг ривоятлари 3 (уч) та ҳадисдир. Қолганлари, Ҳарийз ибн Усмон раҳимахуллоҳ ва Исо ибн Таҳмон раҳимахуллоҳ бўлиб, улар биттадан ҳадис ривоят қилганлар.

Мазкур “Сулосийёт”да Имом ал-Бухорий раҳимахуллоҳнинг ўз устозлари – шайх-машойихлари 5 (беш) нафардир. Улардан биринчиси, Маккий ибн Иброҳим раҳимахуллоҳ бўлиб, унинг ривоятлари 11 (ўн бир) та ҳадисдан иборат. Абу Осим ан-Набил раҳимахуллоҳнинг ривоятлари 6 (олти) тадир. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ансорий раҳимахуллоҳнинг ривоятлари 3 (уч) тадир. Исом ибн Холид раҳимахуллоҳ ва Халлод ибн Яҳё раҳимахуллоҳнинг ривоятлари эса биттадандир.

Мазкур “Сулосийёт ал-Бухорий”даги ҳадиси шарифларни Имом ал-Бухорий раҳимахуллоҳнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарларини шарҳ қилган жами ҳадисшунос шорихлар шарҳлаганлар. Уни алоҳида изоҳлаган олимлардан Шамсиддин ал-Қўҳистоний раҳимахуллоҳ, Муҳаммадшоҳ ибн Ҳасан раҳимахуллоҳ, Муҳаммад ал-Бармовий раҳимахуллоҳ, Шамсиддин ас-Саховий раҳимахуллоҳ, Мавлоно Али ал-қори раҳимахуллоҳ, Ибн ал-Ажамий раҳимахуллоҳ, Ҳамид ибн Абдуллоҳ ал-Маданий ал-Ҳанафий раҳимахуллоҳ, Домла Аваз Бухорий раҳимахуллоҳ, Абдулбосит ал-Қиннавжий раҳимахуллоҳ, Сиддиқ Ҳасанхон раҳимахуллоҳ, Бурҳон Иброҳим ал-Кўроний раҳимахуллоҳ кабиларнинг номларини келтириш мумкин.

Биз ҳам Сиз азизларга “Сулосийёт ал-Бухорий”ни алоҳида таржима қилиб, айрим изоҳ ва шарҳлар билан тақдим қилишни маъқул кўрдик. Аллоҳ таоло барчамизга уни бу дунёда ҳам, охирада ҳам манфаатли қилсин!

**Ҳамидуллоҳ Беруний.**

ثلاثيات البخارى

بسم الله الرحمن الرحيم

### Биринчи ҳадис

حدثنا مكي بن إبراهيم قال حدثنا يزيد بن أبي عبيد عن سلمة قال سمعت النبي صلى الله عليه وسلم يقول من يقل على ما لم أقل فليتبوأ مقعده من النار

Салама ибн ал-Акваъ разийаллоҳу анҳудан ривоят. У Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитдим, деганлар:

**“Қимки мен айтмаган нарсани менинг номимдан айтса, бас, жойини дўзахдан тайёрлайверсин!”** (Бухорий, 1/109).

Мазкур ҳадиси шариф Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг номларидан ёлғон гапиришнинг гуноҳи ҳақидаги бобда келтирилган. Албатта бу иш гуноҳи кабира ҳисобланади. Бировлар номидан ёлғон гапириш нақадар оғир гуноҳ экани барчага маълум. Бу жирканч иш сеvimли пайғамбаримиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатан қилинса, унинг гуноҳи янада оғирроқ бўлиши шубҳасиздир. У зот айтмаган нарсани айтди, дейиш асло мумкин эмас. Бу хилдаги ривоятларни муҳаддислар “мавзуъ” – “тўқима”, “сохта” ҳадислар деб алоҳида ажратганлар. Ана шундай “мавзуъ” – “тўқима” ва “сохта” лигига иттифоқ қилинган ҳадисларни ривоят қилиш, нақл қилиш, одамларга етказиш ҳам мумкин эмас. Фақат унинг ёлғон ҳадис эканини айтиш мумкин, холос.

### Иккинчи ҳадис

حدثنا المكي بن إبراهيم قال حدثنا يزيد بن أبي عبيد عن سلمة قال كان جدار المسجد عند المنبر ما كادت الشاة تجوزها

Салама ибн ал-Акваъ разиаллоҳу анҳудан ривоят. (Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилдилар):

**“Минбар олдидаги масжиднинг девори қўйлар ўта олмагудек эди”** (Бухорий, 1/497).

Мазкур ҳадиси шариф намозхон билан сутра ораси қанча микдорда бўлиши керак, деган бобда келтирилган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг

даврларида имом олдида меҳроб бўлмасди. Оддий девор бўлган, холос. Ҳадисда тилга олинган минбар ва масжиддан мурод Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг “Масжиди набавий”лари ва минбарларидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам минбар ёнларида туриб намоз ўқиб берардилар.

### Учинчи ҳадис

حدثنا المكي بن ابراهيم قال حدثنا يزيد بن ابي عبيد قال كنت اتي مع سلمة بن الأكوع فيصلى عند الأسطوانة التي عند المصحف فقلت يا أبا مسلم أراك تتحرى الصلاة عند هذه الأسطوانة قال فإني رأيت النبي صلى الله عليه وسلم يتحرى الصلاة عندها

**“Мен Салама ибн ал-Акваъ разийаллоҳу анҳу билан бирга эдим. Шунда у Мусҳаф олдидаги устун қаршисида намоз ўқидилар. Мен унга: “Эй, Абу Муслим! Сизнинг (доимо) ушбу устун олдида намозни қасдан ўқиганингизни кўраман-а?!”, дедим. У: “Албатта мен Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саламнинг унинг рўпарасида намозни қасд қилиб ўқиганларини кўрганман!”, дедилар”** (Бухорий, 1/502).

Мазкур ҳадисда тилга олинган Мусҳаф Ҳазрати Усмон разийаллоҳу анҳунинг даврида китоб ҳолига келтирилган Қуръони каримнинг нусхаси эди. Уни бир сандиққа жойлаб, масжиди набавийда сақлаб қўйилган эди. Ундан олдида эса масжиднинг устунни бор бўлган. Саҳобалар ана шу устунга қараб намоз ўқишни табаррук санашар эдилар. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу устун рўпарасида намоз ўқиганлар. У зоти шарифнинг ўқиган жойини табаррук санашган. Бу ҳадиси шарифдан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юрган йўллари, борган жойлари, ўтирган ўринлари, умуман жанобимиз Расули акрам, Ҳабиби мухтарам, Набийи мукаррам, руҳий ва руҳул-оламина фидоҳу, соллаллоҳу алайҳи ва салламга тааллуқли нарсаларни табаррук санашнинг жоизлигига энг катта ва энг саҳиҳ далил оламиз. Зотан, Имом ал-Бухорий раҳимахуллоҳ ушбу сулосий ҳадисни ривоят қилишларидан олдин Ҳазрати Умар разийаллоҳу анҳунинг бир кимса икки устуннинг орасида намоз ўқиётганини кўриб, “Ушбу устунга қараб намоз ўқигин!”, деганларини ҳам ривоят қилганлар. Албатта бунда намозхоннинг олдидан ўтувчилар учун машаққат бўлмаслиги ҳам назарда тутилган. “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саламнинг унинг рўпарасида намозни қасд қилиб ўқиганларини кўрганман!”, дейилишидан унинг айнан табаррук учун бўлаётгани англашилади.

### Тўртинчи ҳадис

حدثنا المكي بن إبراهيم قال حدثنا يزيد بن أبي عبيد عن سلمة قال كنا نصلى مع النبي صلى الله عليه وسلم المغرب إذا توارت بالحجاب

**“Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга шомни “парда ёпилган” онда ўқир эдик” (Бухорий, 1/561).**

Бу шом намозининг вақти ҳақидаги ҳадис бўлиб, ундан шомнинг ўқилиш вақти “парда ёпилган”, яъни қуёш батамом ботиб бўлгандан кейин экани маълум бўлмоқда.

### Бешинчи ҳадис

حدثنا أبو عاصم عن يزيد بن أبي عبيد عن سلمة بن الأكوع رضى الله عنه أنّ النبي صلى الله عليه وسلم بعث رجلا يُنادى في الناس يوم عاشوراء أنّ من أكل فليتمّ أو فليصم و من لم يأكل فلا يأكل

**“Албатта Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ошуро куни бир кимсани одамлар орасида: “Кимки (сахарлик) еган бўлса, тугатсин ёки рўза тутсин, кимки (сахарлик) емаган бўлса, энди емасин!”, деб нидо қилиш учун юбордилар”. (Бухорий, 3/1924).**

Нидо қилиб эълон қилиш учун юборилган кимсанинг исмини тадқиқотчилар аниқлаганлар. Унинг исми Ҳинд ибн Асмо ал-Асламий разийаллоҳу анҳу бўлган экан.

Ошура куни муҳаррам ойининг ўнинчи куни бўлиб, исломнинг илк даврларида шу куни рўза тутиш фарз бўлган эди. Кейин рамазон ойида бир ой рўза тутиш фарз бўлди. Ошура куни рўза тутиш эса суннат ёки мустахаб бўлиб қолди. Шу куннинг фақат ўзида рўза тутмасдан одатда тўққизинчи, ўнинчи ва ўн биринчи кунлари рўза тутилади.

Ҳанафийлар рамазон рўзасига, муайян назрга ва нафл рўзага тонггача ният қилмаган бўлса, кундуз куни заволгача ният қилиш мумкинлигига мана шу ҳадиси шариф билан далилланадилар. Одатда сахарлик вақтида ҳали тонг ёришмасдан илгари рўзага ният қилинади. Агар ухлаб қолган бўлиб, тонг отиб ёки қуёш чиқиб кетган бўлса, ҳеч нарса емасдан, тўғридан-тўғри шу кун рўза тутишга ният қилиб рўзани тутаверади.

### Олтинчи ҳадис

حدثنا المكي بن إبراهيم حدثنا يزيد عن سلمة بن الأكوع رضى الله عنه قال أمر النبي صلى الله عليه وسلم رجلا من أسلم أن أذن في الناس أنّ من كان أكل فليصم بقيّة يومه و من لم يكن أكل فليصم فإنّ اليوم يوم عاشوراء

**“Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аслам (қабиласи)дан бўлган бир кишига одамлар ичида: “Кимки (сахарлик) еган бўлса, куннинг қолган (қисми)да рўза тутсин. Кимки (сахарлик) емаган бўлса, у ҳам рўза тутсин. Чунки, бугун ошура кунидир!” (Бухорий, 3/2007).**

Мазкур ҳадисда тилга олинган вақтда ошура куни рўза фарз бўлиб турган эди. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу кунда сахарлик қилганни ҳам, сахарлик қилмаганни ҳам рўза тутишга буюрдилар. У зоти шариф кундузи бўлса ҳам, шу онда ният қилиб рўза тутаверишни буюрганлар.

### Еттинчи ҳадис

حدثنا المكي بن إبراهيم حدثنا يزيد بن أبي عبيد عن سلمة الأكواع رضى الله عنه قال كنا جلوسا عند النبي صلى الله عليه وسلم إذ أتى بجزاة فقالوا صلّ عليها فقال هل عليه دين قالوا لا قال فهل ترك شيئا قالوا لا فصلى عليه ثم أتى بجزاة أخرى فقالوا يا رسول الله صلّ عليها قال هل عليه دين قيل نعم قال فهل ترك شيئا قالوا ثلاثة دنائير فصلى عليها ثم أتى بالثالثة فقالوا صلّ عليها قال هل ترك شيئا قالوا لا قال فهل عليه دين قالوا ثلاثة دنائير قال صلوا على صاحبكم قال أبو قتادة صلّ عليه يا رسول الله و على دينه فصلى عليه

**“Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларида ўтирган эдик. Ногоҳ бир тобут келтирилиб қолди. “Унга жаноза ўқиб беринг!”, дейишди. Шунда у зот: “Унинг қарзи борми?”, дегандилар, (қарзи) йўқлигини айтишди. У зот: “У бирор нарса (мол-мулк мерос) қолдирганми?”, дедилар. “Йўқ!”, дейишди. Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга жаноза ўқидилар. Сўнгра бошқа бир тобут келтирилди. Шунда (сахобалар): “Эй, Расулуллоҳ! Унга жаноза ўқиб беринг!”, дейишди. Шунда у зот: “Унинг қарзи борми?”, дегандилар, (қарзи) борлигини айтишди. У зот: “У бирор нарса (мол-мулк мерос) қолдирганми?”, дедилар. “Уч динор қолдирган”, дейишди. Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга жаноза ўқидилар. Сўнгра (тобутнинг) учинчиси келтирилди. “Унга жаноза ўқиб беринг!”, дейишди. Шунда у зот: “У бирор нарса (мол-мулк мерос) қолдирганми?”, дедилар. “Йўқ!”, дейишди. “Унинг қарзи борми?”, дегандилар, “Уч динор қарзи бор”, дейишди. У зот: “Дўстингизга (ушбу маййитга) жаноза ўқийверинглар!”, дедилар. Абу Қатода разийаллоҳу анҳу: “Эй, Расулуллоҳ! Жаноза ўқийверинг, унинг қарзи менинг бўйнимга”, деди. Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга жаноза ўқидилар” (Бухорий, 3/2289).**

Мазкур ҳадисдан берадиган қарзи бўла туриб, имкони бўлгани ҳолда уни бермасдан бепарво ҳолида вафот қилиб кетган одам очикдан-очик гуноҳкор

бўлишини билиб оламиз. Гуноҳ қилишга бепарво фосиқ одамга улуғ инсонлар, юртнинг обрў-эътиборли одамлари жаноза ўқимаганлари маъқул. Шунинг учун ҳам ўзини-ўзи ўлдирганга, ароқ ичиб ёрилиб ўлганга катта-катта имом-домлалар жаноза ўқишдан қочадилар. Бошқалар эса унинг мўъмин бўлиб яшаганини инобатга олиб, жаноза ўқийверадилар. Бу ҳадисда ҳам шу ҳолатлар акс эттирилган. Бировнинг қарзи бўлса, уни бошқа бировлар гарданига олишса, унга бемалол жаноза ўқиладилар.

### Саккизинчи ҳадис

حدثنا أبو عاصم عن يزيد بن أبي عبيد عن سلمة بن الأكوع رضى الله عنه أنّ النبي صلى الله عليه وسلم أتى بجنزة ليصلى عليها فقال هل عليه من دين قالوا لا فصلى عليه ثم أتى بجنزة أخرى فقال هل عليه من دين قالوا نعم قال صلوا على صاحبكم قال أبو قتادة على دينه يا رسول الله فصلى عليه

**“Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга жаноза ўқиб беришлари учун бир тобут (маййит) олиб келинди. Шунда у зот: “Унинг қарзи борми?”, дегандилар, (қарзи) йўқлигини айтишди. Бас, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга жаноза ўқидилар. Сўнгра бошқа бир тобут (маййит) келтирилди. Шунда у зот: “Унинг қарзи борми?”, дегандилар, (қарзи) борлигини айтишди. У зот: “Дўстингизга жаноза ўқийверинглар!”, дедилар. Абу Қатода разийаллоҳу анҳу: “Эй, Расулulloҳ! Унинг қарзи менинг зиммамга”, деди. Бас, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга жаноза ўқидилар” (Бухорий, 3/2295).**

Мазкур ҳадиси шариф олдинги ҳадиснинг қисқартирилган ва бошқа тариқдан ривоят қилинган такроридир.

### Тўққизинчи ҳадис

حدثنا أبو عاصم الضحّاك بن مخلد عن يزيد بن أبي عبيد عن سلمة بن الأكوع رضى الله عنه أنّ النبي صلى الله عليه وسلم رأى نيرانا توقد يوم خيبر قال على ما توقد هذه النيران قالوا على الحمر الإنسيّة قال اكسروها و أهرقوها قالوا ألا نهريقها و نغسلها قال اغسلوا

**“Хайбар кунида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олов ёниб турганини кўриб қолдилар. “Бу оловни нимага ёқдингизлар?”, деб сўрадилар. “Хонаки эшаклар (гўштини пишириш) учун”, дейишди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Идиш (қозон)ларни**

**синдириглар ва (қозондагиларни) тўкиб ташланглар”, дедилар. “Тўкиб ташлаб, (қозонларни) ювиб олсак-чи?!”, дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Майли, ювинглар!”, дедилар (Бухорий, 3/2477).**

Мазкур Хайбар жанги ҳижратнинг еттинчи йили муҳаррам ойида бўлиб ўтган. Хайбар Мадинанинг ғарбий тарафида тўрт манзил – юз мийл узоқликда жойлашган қалъа бўлган. Бу даврда мусулмонларга энг катта хавф солиб турган яҳудийларнинг қалъаси бўлмиш Хайбарни қамал қилинган. Шу вақтда озиқ-овқат етишмаслиги рўй берган. Қалъадан ўндан ортиқ (йигирмата ёки ўттизта) эшак чиққанини кўриб, саҳобалар улардан бир нечтасини тутиб ейишга урунганлар. Зебра каби ёввойи эшаклар ҳалол эканига уммат ижмоъ қилган. Хонаки эшакларни ейиш ана шу Хайбар ғазоти кунларида ҳаром қилингани саҳиҳ ҳадислардан маълум бўлади.

Бу ҳадиси шарифда яна бир ҳукм олинган. У ҳам бўлса, ҳаром нарса солиб кўйилган идишларни ювиб-тозалаб ишлатиш мумкинлигидир.

### Ўнинчи ҳадис

حدثنا محمد بن عبد الله الأنصارى قال حدثني حُمَيْدُ أَنَّ أَنَسًا حَدَّثَهُمْ أَنَّ الرَّبِيعَ وَ هِيَ ابْنَةُ النَّضْرِ كَسَرَتْ ثَنِيَّةَ جَارِيَةٍ فَطَلَبُوا الْأَرْضَ وَ طَلَبُوا الْعَفْوَ فَأَبَوْا فَأَتَا النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَ سَلَّمَ فَأَمَرَهُمْ بِالْقَصَاصِ فَقَالَ أَنَسُ بْنُ النَّضْرِ أَتَكْسِرُ ثَنِيَّةَ الرَّبِيعِ يَا رَسُولَ اللَّهِ لَا وَ الَّذِي بَعَثَكَ بِالْحَقِّ لَا تَكْسِرُ ثَنِيَّتَهَا فَقَالَ يَا أَنَسُ كِتَابَ اللَّهِ الْقَصَاصُ فَرَضَى الْقَوْمُ وَ عَفَا فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَ سَلَّمَ إِنَّ مِنْ عِبَادِ اللَّهِ مَنْ لَوْ أَقْسَمَ عَلَى اللَّهِ لِأَبْرِهِ

زاد الفزاري عن حُمَيْدٍ عن أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَ سَلَّمَ قَالَ قِيلَ لِي يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ ابْنَةَ النَّضْرِ كَسَرَتْ ثَنِيَّةَ جَارِيَةٍ فَطَلَبُوا الْأَرْضَ وَ طَلَبُوا الْعَفْوَ فَأَبَوْا فَأَتَا النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَ سَلَّمَ فَأَمَرَهُمْ بِالْقَصَاصِ فَقَالَ أَنَسُ بْنُ النَّضْرِ أَتَكْسِرُ ثَنِيَّةَ الرَّبِيعِ يَا رَسُولَ اللَّهِ لَا وَ الَّذِي بَعَثَكَ بِالْحَقِّ لَا تَكْسِرُ ثَنِيَّتَهَا فَقَالَ يَا أَنَسُ كِتَابَ اللَّهِ الْقَصَاصُ فَرَضَى الْقَوْمُ وَ عَفَا فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَ سَلَّمَ إِنَّ مِنْ عِبَادِ اللَّهِ مَنْ لَوْ أَقْسَمَ عَلَى اللَّهِ لِأَبْرِهِ

**“Рубайеъ бинт ан-Назр разийаллоҳу анҳо бир қизалоқнинг тишини синдириб кўйди. Бас, (қариндошлар) ундан товон талаб қилдилар. Саҳобалар эса афв қилишларини сўрашганди, унга кўнмадилар. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурларига келишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни қасосга буюрдилар. Анас ибн ан-Назр разийаллоҳу анху: “Эй, Расулуллоҳ! Рубайеънинг тишлари синдириладими?! Йўқ! Сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, унинг тишлари синдирилмагай!”, деди. Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Эй, Анас! Аллоҳнинг китоби (ҳукми) қасосдир!”, дедилар. Шунда қавм рози бўлди ва афв қилдилар.**

**Бас, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Аллоҳнинг шундай бандалари бор, агар улар Аллоҳга қасам ичсалар, албатта уни рўёбга чиқарур!”.**

**Бошқа ривоятда: “Бас, қавм рози бўлди ва товонни қабул қилдилар”, дейилган (Бухорий, 3/2703).**

Ушбу ҳадиснинг ровийси машҳур саҳоба Анас ибн Молик разийаллоҳу анҳу бўлиб, Рубаййеъ бинти ан-Назр разийаллоҳу анҳо унинг аммаси бўладилар. Ҳадис матнида тилга олинган Анас ибн ан-Назр разийаллоҳу анҳу эса Рубаййеъ бинти ан-Назр разийаллоҳу анҳонинг акалари бўладилар. Мазкур ривоятни Имом ал-Бухорий раҳимахуллоҳ уч бора такрор зикр қилганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аллоҳнинг китоби (ҳукми) қасосдир!”, дейишларида Қуръони каримнинг “Бақара сураси”нинг 178-оятдаги ҳукми назарда тутган бўлсалар керак: “Эй, имон келтирганлар! Сизларга ўлдирилган кишилар учун қасос (олиш) фарз қилинди: озод киши муқобилига озод кишидан, қул учун қулдан, аёл киши учун аёлдан. Биродари томонидан афв этилса, (хун тўлашга рози бўлинса), у ҳолда яхшилик билан бўйин суниш ва хунини яхшилаб тўлаш (зарурдир). Бу (ҳукм) Раббингиз томонидан енгиллик ва марҳаматдир...” (Бақара, 178).

“Моида сураси”даги 45-оятдаги ҳукм эса аъзолар талофотидаги қасосга ишора қилинган: “Биз унда уларга жонга-жон, кўзга-кўз, бурунга-бурун, қулоққа-қулоқ, тишга-тиш ва жароҳатларга қасос (олинур) деб, битиб қўйдик. Кимки у (қасос)ни садақа қилиб (кечиб) юборса, у (гуноҳларига) каффоратдир” (Моида, 45).

Мазкур ҳадиси шариф хунпули ва товон талаб қилган вақтда сулҳга келишсалар жоизлиги борасидаги бобда келтирилган. Демак, даъвогар ва жавобгар томонлар бир-бирлари билан келишувни амалга оширсалар, жиноятга жазо таъйинланмайди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Аллоҳнинг шундай бандалари бор, агар улар Аллоҳга қасам ичсалар, албатта уни рўёбга чиқарур!”, деганлари авлиёуллоҳларнинг Аллоҳ таоло наздидаги кароматларига далилдир. Аллоҳнинг дўстлари бирор гап десалар, албатта у рўёбга чиқур. Бинобарин, улардан дуои хайр олмоқ даркор, уларнинг назарларидан қолишдан сақланиш лозим.

### **Ўн биринчи ҳадис**

حدثنا المكي بن إبراهيم حدثنا يزيد بن أبي عبيد عن سلمة رضى الله عنه قال بايعت النبي صلى الله عليه وسلم ثم عدلت الى ظل الشجرة فلما خف الناس قال يا ابن الأكوح ألا تباع قال قلت قد بايعت يا رسول الله قال و أيضا فبايعته الثانية فقلت له يا أبا مسلم على أى شئ كنتم تباعون يومئذ قال على الموت

**“Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва салламга байъат қилдим. Сўнгра дарахт соясига ўтдим. Одамлар камайиб-сийраклашиб қолганда, Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: “Эй, Ибн ал-Акваъ! Байъат қилмадингми?”, дедилар. Мен эса: “Эй, Расулulloх! Байъат қилдим”, дедим. У зот: “Яна қилавер!” дедилар. Шунда мен иккинчи марта байъат қилдим.**

**Ровий айтади: “Мен унга: “Эй, Абу Муслим! Сизлар ўша кунда нима нарсага байъат қилдингизлар?”, дедим. У: “Ўлимга”, дедилар”** (Бухорий, 4/2960).

Бошқа ривоятларда “ўлимга”, деган жавоб ўрнига: “сабрга”, “исломга”, “жиходга” ёки “итоатга” ҳам дейилган. “Ўлимга” дейилишининг сабаби жанглarda қўрқоқлик қилиб қочиб кетмаслик, балки охиригача сабот билан туриш назарда тутилган. Зотан, Ватан учун бўлган жанглarda қўрқоқлик қилмоқ қораланади, фидокорлик олқишланади!

Мазкур байъат, яъни аҳду паймон қилиш “Байъат ар-Ризвон” номи билан аталади. У Худайбия деган жойда бўлиб ўтган. Мазкур байъатда қатнашганлардан Аллоҳ таоло рози бўлганини “Фатҳ сураси”нинг 18-оятida айтиб ўтган. Бу вақтда бир минг тўрт юз (1400) нафарча одам байъат қилганлар.

Абу Муслим – саҳоба Салам ибн ал-Акваъ разийаллоху анҳунинг кунияларидир. У шижоатли ва саботли инсон бўлганлар.

### Ўн иккинчи ҳадис

حدثنا المكي بن إبراهيم أخبرنا يزيد بن أبي عبيد عن سلمة أنه أخبره قال خرجت من المدينة ذاهبا نحو الغابة حتى إذا كنت بثنية الغابة لقيني غلام لعبد الرحمن بن عوف قلت ويحك ما بك قال أخذت لقاح النبي صلى الله عليه وسلم قلت من أخذها قال غطفان و فزارة فصرخت ثلاث صرخات أسمع ما بين لابتيها يا صباحاه يا صباحاه ثم اندفعت حتى ألقاهم و قد أخذوها فجعلت أرميهم و أقول أنا ابن الأكوح و اليوم يوم الرضع فاستنقذتها منهم قبل أن يشربوا فأقبلت بها أسوقها فلقيني النبي صلى الله عليه وسلم فقلت يا رسول الله إن القوم عطاش و إني أعجلتهم ان يشربوا سقيهم فابعث في إثرهم فقال يا ابن الأكوح ملكت فأسجح إن القوم يُقرؤن في قومهم

**Салама ибн ал-Акваъ разийаллоху анху хабар берганлар: “Мен Мадинадан чиқиб тўқайзор томон бордим. Тўқайнинг дара сўкмоғига етганимда, Абдуррахмон ибн Афв разийаллоху анҳунинг ғуломига**

қўлиқдим. Мен унга: “Сенга вой бўлсин, сенга нима бўлди?”, дедим. У: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг соғин туяларини тортиб (ўғирлаб) олишди”, деди. Мен уни ким олганини сўрадим. У: “Ғатафон ва Фазора қабиласи кишилари”, деди. Шунда мен икки тоғ оралиғидагиларга эшиттириб, “Ё, Сабоҳаҳ!”-“Ё, Сабоҳаҳ!” деб уч марта қичқирдим. Сўнгра то уларни учратгунимча тезликда таъқиб қилиб бордим. Ҳақиқатдан улар тортиб олган эканлар. Уларга ўқ ота бошладим. “Мен Ибн ал-Акваъман, бугун (фақат) тамшанадиган кундир”, дердим. Сув ичишларидан олдин уларни қўрқитиб (туяларни) қутқариб олдим. Уларни ҳайдаб қайтаётган эдим, менга Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам (бир неча одамлар билан бирга) йўлиқдилар. Мен: “Эй, Расулуллоҳ! Қавм чанқоқ экан. Мен уларни қултумларини ичишдан шошилтириб қўйдим (яъни, сув ичгани қўймадим). Уларнинг ортидан (мени) юборинг”, дедим. Шунда у зот: “Эй, Ибн ал-Акваъ! Уларни енгиб олдинг, энди мулойим бўл (ўзингни бос). Албатта улар ўз қавми ичида меҳмон бўлмоқдалар (энди сени юборишнинг фойдаси йўқ)”, дедилар” (Бухорий, 4/3041).

Ҳадисда тилга олинган Абдурраҳмон ибн Афв разийаллоҳу анҳунинг ходим қулбаччасининг номи Римохдир. У аввалига Жаноби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга хизмат қилиб юрган. Ўша вақтда тўқайзорда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йигирматача туялари ўтлаб юарди.

“Ё, сабоҳаҳ!” арабларда тонг пайти одамларни турғазиш, огоҳлантириш мақсадида чақириладиган одатдаги сўз бўлган.

Мазкур ҳадисда тилга олинган тўқайзор Мадинадан бир кунлик йўлда, яъни тахминан 30-33 километрлар узоқликда Зий Қарад (Куруд) деган жойда жойлашган бўлган.

Мазкур ҳадис душманни кўрганда, одамларни огоҳлантириш мақсадида қаттиқ бақириб-чақириш ҳақидаги бобда келтирилган. Унга кўра, Ватанни асраш мақсадида доим огоҳ бўлиб яшаш, атроф-муҳитда бўлаётган ҳодисларга бепарво бўлмаслик, ватандошлари ғам-аламларига қайғудош бўлиб, доим одамларга ёрдам берувчи ғайратли ва шижоатли бўлиш лозимлигини билиб оламиз.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Салама ибн ал-Акваъ разийаллоҳу анҳуни талончилар изидан юбормаганларининг сабаби уларнинг тавба қилишларини умид қилганларидан ва қабилалараро катта жанжалнинг

олдини олиш мақсади борлигидан эди. Бундан инсон шароитга қараб иш тута билиш кераклигини англаш мумкин.

### Ўн учинчи ҳадис

حدثنا عِصَامُ بْنُ خَالِدٍ حَدَّثَنَا حَرِيْزُ بْنُ عَثْمَانَ أَنَّهُ سَأَلَ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بُسْرِ صَاحِبَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ أَرَأَيْتَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ شَيْخًا قَالَ كَانَ فِي عِنْفَتِهِ شَعْرَاتٌ بِيضٌ

**“Ровий Ҳариз ибн Усмон раҳимахуллоҳ Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари Абдуллоҳ ибн Буср разийаллоҳу анҳудан: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламни кексалик вақтларида кўрганмисиз?”, деб сўради. У: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг иякларида оппоқ мўйлар бор эди”, деганлар”** (Бухорий, 4/3546).

Кексалик чоғларида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг соқолларидан 17-20 тача мўйлари оқарганлиги манбаларда қайд қилинади.

### Ўн тўртинчи ҳадис

حدثنا المكي بن إبراهيم حدثنا يزيد بن أبي عبيد قال رأيت أثر ضربة في ساق سلمة فقلت يا أبا مسلم ما هذه الضربة فقال هذه أصابتنى يوم خيبر فقال الناس أصيب سلمة فأتيته النبي صلى الله عليه وسلم فنفت فيه ثلاث نفثات فما اشتكيئها حتى الساعة

**Ровий Язид ибн Абу Убайд раҳимахуллоҳ айтади: Мен Салама ибн ал-Акваъ разийаллоҳу анхунинг болдирларида зарба (жароҳат)нинг изини кўриб қолдим-да, унга: “Эй, Абу Муслим! Бу қандай зарба (жароҳат)?”, дедим. Шунда у бундай деди: “Менга бу зарба Хайбар куни етган. Одамлар “Саламага мусибат етди (яраланибди)”, дедилар. Бас, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига келдим. У зот уч марта суфлаб дам солдилар. Ҳозирги онгача ундан шикоят қилмадим”** (Бухорий, 5/4206).

Мазкур ҳадиси шарифдан моддий дардларга, жароҳат оғриқларига оятлар ва шаръий дуолар билан дам солиш мумкинлиги чиқади.

### Ўн бешинчи ҳадис

حدثنا أبو عاصم الصَّحَّاحُ بْنُ مَخْلَدٍ حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ أَبِي عُبَيْدٍ عَنْ سَلْمَةَ بْنِ الْأَكْوَعِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ غَزَوْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سَبْعَ غَزَوَاتٍ وَغَزَوْتُ مَعَ ابْنِ حَارِثَةَ اسْتَعْمَلَهُ عَلَيْنَا

Салама ибн ал-Акваъ разийаллоху анху айтади: “Мен Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам билан бирга етгита ғазотда иштирок қилдим. Ибн Ҳориса разийаллоху анхуни бизга бошлиқ қилиб таъйинлаган вақтда ҳам у билан бирга жанг қилдим” (Бухорий, 5/4272).

Ҳадисда тилга олинган Зайд ибн Ҳориса разийаллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам вафот қилганларида, йигирма ёшларида бўлганлар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам уни яхши кўрардилар. Муовия разийаллоху анхунинг халифалик даврида Мадинада 54 ҳижрий (674 мелодий) йилда вафот қилганлар.

### Ўн олтинчи ҳадис

حدثنا محمد بن عبد الله الأنصاري حدثنا حميد أن أنسا حدثهم عن النبي صلى الله عليه وسلم قال قال الله القصاص

“Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: “Аллоҳнинг китоби (ҳукми) қасосдир!” (Бухорий, 6/4499).

Бу аввалги ўтган ҳадиси шарифнинг маънан такроридир. Унда “Бақара сураси”нинг 178-ояти ва “Моида сураси”нинг 45-оятидан олинадиган ҳукм назарда тутилган.

### Ўн еттинчи ҳадис

حدثنا المكي بن إبراهيم قال حدثني يزيد بن أبي عبيد عن سلمة بن الأكوع قال لما أمسوا يوم فتحوا خيبر أوقدوا النيران قال النبي صلى الله عليه وسلم علام أوقدتم هذه النيران قالوا لحوم الإنسيّة قال أهريقوا ما فيها و اكسروا قدورها فقام رجل من القوم فقال نهريق ما فيها و نغسلها فقال النبي صلى الله عليه وسلم او ذاك

“Хайбар фатҳ қилинган кунда саҳобалар кечқурун бўлганда, олов ёқдилар. Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам: “Бу оловни нимага ёқдингизлар?”, деб сўрадилар. Хонаки эшакларнинг гўшти учун эканини айтишди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Ичидаги нарсани тўкиб ташланглар ва қозонларни синдириглар!”, дедилар. Қавмдан бир кимса: “Ичидагини тўкиб ташлаб, уларни ювиб кўя қолайлик-да?!”, деб қолди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Ёки шундай қила қолинглар!”, дедилар” (Бухорий, 7/5497).

Бу ҳадис ҳам олдинда ўтган ривоятнинг маънан такроридир. Бу ҳадис мажусийларнинг идишлари ва ўлимтик солинган идишларнинг ҳукми борасидаги бобда келтирилган. Демак, ҳадис ҳукмига кўра хонаки эшаклар

гўштини ейиш ҳаромдир. Ҳаром нарсалар солиб қўйилган идишларни ёки ғайридин ва мушрикларнинг идишларини ювиб-тозалаб ишлатиш мумкин.

### Ўн саккизинчи ҳадис

حدثنا أبو عاصم عن يزيد بن أبي عبيد عن سلمة بن الأكوع قال قال النبي صلى الله عليه وسلم من ضحى منكم فلا يُصْبِحَنَّ بعد الثالثة وبقى في بيته منه شيء فلما كان العام المقبل قالوا يا رسول الله نفعنا كما فعلنا عام الماضي قال كلوا و أطعموا و ادخروا فإن ذلك ذلك العام كان بالناس جهْدُ فأردت أن نُعينوا فيها

**“Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилдилар: “Сизлардан кимки қурбонлик қилса, учинчи (кун)дан кейин уйида ундан бирорта нарса қолдириб тонг оттирмасин!”. Келаси йил келганида эса: “Эй, Расулуллоҳ! Ўтган йили қилганимиздек ишни қилайликми?”, дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Енглар, едиринглар ва захира қилиб ҳам қўяверинглар! Ўша йили одамларга машаққат (очарчилик) бўлган эди. Уларга ёрдам бўлишини хоҳлагандим”, дедилар” (Бухорий, 7/5569).**

Қурбонлик гўштини учга ажратиб бир қисмини ўзига олиб қолиб, бир қисмини одамларга тарқатиб, бир қисмини пишириб ейиш мустаҳабдир. Шунингдек, уч кун ичида тарқатиш ҳам мандуб амалдир. Мазкур саҳиҳ ҳадиси шарифдан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уч кундан сўнг ҳам қурбонлик гўштидан сақлаб олиб қолишга рухсат берганлари маълум бўлади.

### Ўн тўққизинчи ҳадис

حدثنا المكي بن إبراهيم حدثنا يزيد بن أبي عبيد عن سلمة قال خرجنا مع النبي صلى الله عليه وسلم الى خيبر فقال رجل منهم أسمعنا يا عامر من هُنَيْهَاتِكَ فَحَدَا بهم فقال النبي صلى الله عليه وسلم مَنْ السائق قالوا عامر فقال رحمه الله فقالوا يا رسول الله هلا أمتعتنا به فأصيب صبيحة ليلته فقال القوم حبط عمله قتل نفسه فلما رجعت وهم يتحدثون أن عامرا حبط عمله فجئت الى النبي صلى الله عليه وسلم فقلت يا نبي الله فداك أبي و أمي زعموا أن عامرا حبط عمله فقال كذب من قالها إن له لأجرين اثنين إته لجاهد مجاهد و أئ قتل يزيد عليه

**Биз Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга Хайбарга чикдик. Улардан (яъни, саҳобалардан) бир кимса: “Эй, Омир! Бизга ўзингнинг хиргойиларингдан эшиттир!”, деб қолди. Шунда у туябонларнинг қўшиғидан хиргойи қилди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Туябон ким?”, дедилар. У зотга Омир эканини айтишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аллоҳ уни раҳмат қилсин!”, дедилар. Саҳобалар: “Эй, Расулуллоҳ! Уни тушунтириб бермайсизми?”, дейишди. Ўша кечаси эрталаб у мусибатга учради. (У бехостдан ўзини-ўзи**

ўлдириб қўйди). Саҳобалар: “У ўзини ўлдирди, унинг амаллари бекор (хабата) бўлди” дейишди. Мен қайтиб борганимда, улар: “Омир амалларини ҳабата қилди”, дейишарди. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига бордим-да, “Эй, Аллоҳнинг набийси! Ота-онам Сизга фидо бўлсин. Омирнинг амаллари ҳабат бўлди, деб ўйлашаяпти”, дедим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилдилар: “Ким уни айтган бўлса, ёлғон айтибди. Чунки, унга (Омирга) икки ажр бор. Улар (яхшиликлар сари) жидду-жаҳд қилгани учун, (яна бири) мужоҳидлик қилгани учун. Қайси ўлим ундан зиёда бўлади?!” (Бухорий, 9/6891).

Саҳобаларнинг Омир разийаллоҳу анхунинг амаллари (бутун яхшиликларининг ҳаммаси) бекор қилинди, деб ўйлашларига сабаб “Нисо сураси”нинг 29-оятидаги: “Ўзингизни ўзингиз ўлдирманглар!” каби оятларининг ҳукми эди. Бироқ, у беҳостдан, билмасдан ўзини-ўзи ўлдириб қўйгани учун ажр-савоблари бекор қилинмаслигини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билдириб ўтганлар.

Мазкур ҳадис ўзини ўлдирган кимсага хунпули – товон тўланмаслиги ҳақидаги бобда келтирилган.

### Йигирманчи ҳадис

حدثنا الأنصارى حدثنا حُمَيْدٌ عن أنسٍ رضى الله عنه أنّ ابنة النضر لطمت جارية فكسرت ثنيتها فأتوا النبي صلى الله عليه وسلم فأمر بالقصاص

“ан-Назрнинг қизи (Рубаййеъ) разийаллоҳу анҳо бир қизалоқнинг чаккасига шапалоқ урганди, унинг тиши синиб тушди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга келганларида, у зот қасосга буюрдилар” (Бухорий, 9/6894).

Бу ҳадис олдинги ривоятнинг бир қисмидир. Аввал ўтдики, қизалоқнинг қариндошлари билан сулҳ қилинган.

### Йигирма биринчи ҳадис

حدثنا أبو عاصم عن يزيد بن أبي عُبَيْدٍ عن سلمة قال بايعنا النبيّ صلى الله عليه و سلم تحت الشجرة فقال لى يا سلمة ألا تباع قلت يا رسول الله قد بايعتُ فى الأول قال و فى الثانى

**“Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга дарахт остида байъат қилгандик. Шунда у зот менга: “Эй, Салама! Байъат қилмайсанми?”, дедилар. Мен: “Эй, Расулуллоҳ! Аввал (олдинрок) байъат қилгандим”, дедим. У зот: “Иккинчи бор ҳам (қилавер!)”, дедилар”** (Бухорий, 9/7208).

Бу ҳадис аввал ўтган ривоятнинг бир қисми – маънан такроридир. Юқорида айтганимиздек, бу воқеа Ҳудайбияда “Байъат ар-Ризвон”да бўлиб ўтган.

### Йигирма иккинчи ҳадис

حدثنا خالد بن يحيى حدثنا عيسى بن طهمان قال سمعتُ أنس بن مالك رضى الله عنه يقول نزلت آية الحجاب فى زينب بنت جَحْش و أطمع عليها يومئذ خبزًا و لحمًا و كانت تفخر على نساء النبيّ صلى الله عليه و سلم و كانت تقول إنّ الله أنكحنى فى السماء

**“Ҳижоб ояти Зайнаб бинти Жаҳш разийаллоҳу анҳо ҳақларида нозил бўлди. Ўша куни унга (тўйга) атаб нон ва гўшт едирди. У Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг (бошқа) аёлларига фахрланар эдилар ва “Албатта Аллоҳ мени самода никоҳ қилдирган”, дердилар”** (Бухорий, 9/7421).

Ҳадисда тилга олинган “ҳижоб ояти” Қуръони каримнинг “Аҳзоб сураси”нинг 53-59 оятлари ва “Нур сураси”нинг 31-ояти ҳисобланади.

Ҳижоб оятлари нозил қилиниб, аёллар ҳижобда юришлари, яъни уят жойларини тўсиб олишлари фарз қилинган кунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Зайнаб онамиз разийаллоҳу анҳога уйланган эдилар. Ўша куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам катта тўй қилиб бердилар. Тўйга 300 (уч юз) нафар одам ташриф буюрган.

“Албатта Аллоҳ мени самода никоҳ қилдирган”, жумласи муташобеҳ бўлиб, бундан Аллоҳ таоло никоҳ бўлишини алоҳида буюрганини ва никоҳ олий даражада бўлиб ўтганини тушуниш керак.

**Тамом.**